

“Биз бир сафдамиз!”: З-декабр “Халқаро ногиронлар куни” муносабати билан Мурувват уйидаги аёллар холидан хабар олинди. Меҳр-мурувват ва саховат халқимиз ҳаёт тарзининг ўзаги ҳисобланади. Бундай эзгу анъана мамлакатимизда олиб борилаётган кучли ижтимоий ҳимоя сиёсатига ҳам уйғундир.

З декабря – Халқаро ногиронлар куни муносабати билан бугун Ўзбекистон туманидаги Қудаш “Мурувват” ногиронлиги бўлган шахслар учун аёллар интернат уйида “Биз бир сафдамиз!” шиори остида хайрия тадбири ташкилланди.

Унда туман ҳокими ўринbosари Муслимбек Аҳмедов ҳамда Фарғона вилояти божхона бошқармаси бошлиғининг ўринbosари Акмалжон Хасанов бошчилигидаги бур гурух мутасаддилар иштирок этиб, муассасада давлатимиз қўллаб-қувватлови билан яшаб, даволанаётган опа-сингилларга байрам кайфияти улашилди.



Табрик учун сўз олганлар ушбу маскандаги bemor аёллар доимо давлатимиз раҳбари, ҳукуматимизнинг меҳр ва эътибори оғушида эканлиги яна бир збор таъкидлашди. Опа-сингилларга самимий байрам тилаклари изҳор қилинди.

Навбатдаги хайрия йўқлови давомида ҳам бемор аёлларга ташкилотчилар ҳамда ҳомийларнинг кундалик кийим-бош ва бошқа байрам совғалари топширилди.

Тузалган байрамона дастурхон, туман маданият бўлими санъаткорларининг бадиий чиқишлари, ўйин-кулгу ва рақслар йиғилганларга ўзгача завқ бағишилади.





2022-12-02 17:53:43